ШОШЛИК ФАҚИҲЛАРНИНГ МИНТАҚА ИЛМИЙ МАРКАЗЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИ

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ФАКИХОВ ОАЗИСА ШАШ В НАУЧНЫХ ЦЕНТРАХ РЕГИОНА

ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHA) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION

Nematullo MUKHAMEDOV,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Doctor of Historical Sciences
Department History and Source Studies of Islam-IRCICA
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
n.mukhamedov@iiau.uz

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/1

Аннотация: Ислом анъаналари асрлар давомида Марказий Осиё халқлари бой маданий мероси билан кўшилиб, бу ерда ижтимоий-маънавий ҳаётда акс этган ҳамда фан ва таълимнинг ривожланишига беқиёс ҳисса қўшган мусулмон маданияти шаклланишига кўмаклашди. Бу тарихий жараёнларда Ўзбекистон ҳамда унинг етакчи маданий марказлар сифатида бутун мусулмон оламида шухрат қозонган Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) ва бошқа шаҳарлари алоҳида ўрин эгаллади.

IX – XII асрлар Марказий Осиёда илмфан ва маданият, айниқса, ислом илмлари тараққий қилган. Бинобарин, юртимиздаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом дунёсидаги илмфан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан ҳадис, фиқҳ каби ислом илмларида кўплаб таниқли олимлар етишиб чиққан. Милодий IX аср фиқҳ илмида катта ютуқлар қўлга киритилгани боис “фиқҳ илмининг олтин асри” деб юритилади.

Мақолада ўрта (IX-XII) асрларда яшаган Шошлик фақиҳларнинг минтақа илмий марказларидаги фаолияти таҳлил қилинган. Шунингдек, Шош воҳасида фиқҳ илмининг ривожланишида ўрта асрлардаги анъанага мувофиқ Самарқанд, Бухоро, Насаф, Термиз ҳамда минтақадаги Марв, Бағдод каби турли шаҳарлардаги мадрасаларда фаолият кўрсатган олимлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *Шош, ўрта аср, фақиҳ, минтақа, Самарқанд, Бухоро, Марв, Бағдод, Қаффол Шоший, Абу Бакр Шоший, ислом фахри, улуғ имом.*

Аннотация: На протяжении веков исламские традиции способствовали формированию особой мусульманской культуры в Центральной Азии, переплетаясь с богатым культурным наследием народов этого региона. В свою очередь, это отразилось на духовной жизни общества и оставило значительный след в развитии многих наук. Особое место в данных исторических процессах занимал Узбекистан и его города Бухара, Самарканд, Насаф, (Карши), Термез, Хива, Шаш (Ташкент) и другие, прославившиеся во всем мусульманском мире, как ведущие научно-культурные центры.

IX - XII века в Центральной Азии знаменуются развитием науки и культуры, особенно исламских наук. Следовательно, такие древние города, как Бухара, Самарканд, Насаф (Карши), Термез, Хива, Шаш (Ташкент), известны как центры науки и культуры в исламском мире. В частности, в средневековых источниках Ташкент называется как Шаш, где жили и трудились многие выдающиеся ученые исламских наук. IX век назывался «золотым веком науки фикх (исламское право)» благодаря работам учёных-факихов этого региона.

В статье анализируется деятельность средневековых ученых Шаша (IX-XII вв.) в научных центрах региона. А также исследуется научное сотрудничество между учеными медресе в различных научных городах региона, таких как Самарканд, Бухара, Насаф, Термез, Мерв и Багдад.

Ключевые слова: *Шаш, средневековый век, факих, регион, Самарканд, Бухара, Насаф, Мерв, Багдад, Каффал Шаши, Абу Бакр Шаши, гордость ислама, великий имам.*

Abstract: For centuries, Islamic traditions have contributed to the formation of unique Muslim culture in Central Asia, interwoven with the rich cultural heritage of the peoples of this region. In turn, this affected the spiritual life of society and left a significant mark on the development of various sciences. Uzbekistan and its cities Bukhara, Samarkand, Nasaf (Karshi), Termez, Khiva, Shash (Tashkent), and others, which became famous in the whole Muslim world as leading scientific and cultural centers, occupied a special place in these historical processes.

IX-XII centuries in Central Asia is famous for the development of science and culture, especially the Islamic sciences. Consequently, such ancient cities as Bukhara, Samarkand, Nasaf (Karshi), Termez, Khiva, Shash (Tashkent) are known as centers of science and culture in the Islamic world. In particular, in the medieval sources, Tashkent is called as Shash, where many prominent scholars of Islamic sciences such as hadith and jurisprudence came from. IX century is known as the “Golden Age of Fiqh Science (Islamic law)” thanks to the works of the region’s faqih scholars.

The article analyzes the activities of medieval (IX-XII) scholars of Shash in the scientific centers of the region. It also explores scientific cooperation between scholars of madrasahs in various scientific cities of the region, such as Samarkand, Bukhara, Nasaf, Termez, Merv, and Baghdad.

Keywords: *Shash, Medieval Age, faqih, Region, Samarkand, Bukhara, Nasaf, Merv, Baghdad, Kaffal Shashi, Abu Bakr Shashi, The Pride of Islam, The Great Imam.*

КИРИШ

Жаҳонда Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом цивилизацияси ривожланган илм-фан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган. АҚШ университетларида Марказий Осиёда тасаввуф тарихи, Буюк Британия илмий-тадқиқот марказларида Марказий Осиёда ислом цивилизацияси, Голландияда ўрта асрлар ислом цивилизацияси бўйича илмий ишлар амалга оширилмоқда. Ўрта аср олимларининг Европадаги фонд ва архивларда сақланаётган кўплаб қўлёзмалари асосидаги тадқиқотлар ислом тарихи, манбашунослиги йўналишида устувор ўрин эгаллайди.

Тошкент – ўрта аср манбаларида Шош (شاش) деб номланиб, ҳадис, фиқҳ, тасаввуф каби ислом илмлари бўйича кўплаб олимлар етишиб чиққан. Бу ерда туғилиб, фаолият кўрсатган “Шоший” (شاشي), “Тошкандий” (طشكندي) (XIV асрдан) нисбаси билан дунёга танилган. Уларнинг Туркия, Миср, Сурия ва бошқа мамлакатларда сақланаётган қўлёзмалари тавсифи, илмий шарҳлари, манбашунослик таҳлили бўйича тадқиқотларга янгича қарашни тақозо этади.

Шош олимларининг ҳаёти, фаолияти ва илмий меросини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш Шош воҳаси тарихини ўрганиш билан бир қаторда, муҳими, “Шоший” нисбасидаги олимларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожида тутган ўринларини аниқлашга хизмат қилади.

ТАҲЛИЛ

Фиқҳ илми нафақат диний ва ҳуқуқий масалалар, балки маънавий, ахлоқий қадриятларни ҳам ўрганади. Юридик фанлар доктори, проф. А.Саидов ёзганидек, «Фиқҳ – ислом қонуншунослиги Шарқ халқлари ва ислом маданияти эришган буюк қадриятдир» (Saidov, 1997:209).

Фиқҳ – ислом ҳуқуқшунослиги соҳаси сифатида VIII-X асрларда шаклланди ва унинг методологияси вужудга келди. Фиқҳ илми мустақил ҳуқуқшунослик соҳаси сифатида ривожлана бориб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид бўлган масалаларни қамраб олди: имон асослари, ақида талаблари, инсон турмуш тарзига хос бўлган муомала, ахлоқ, ибодат қонунқоидалари. Бу жараён икки ярим аср давом этиб, ислом ҳуқуқшунослигининг шаклланишида «олтин аср» деб номланади (Bahodirov R, Rasulov D, 2000:10, Сюкияйнен, 1986:68).

Ҳижрий I асрда ислом ҳуқуқи шакллана бошлаб, ҳижрий II ва III асрларда тараққиёт босқичларига кўтарилди. Ҳижрий II аср бошларида илк ҳуқуқий мактаблар (мазҳаблар) юзага кела бошлади ва янги шаклланган ислом жамияти ўзининг бошланғич ҳуқуқий ва қонуний институтлари – муассасаларини қуришга муваффақ бўлди. Фиқҳ илми ўз ривожланиш босқичларини шу йўсинда босиб ўтди. Асли араб бўлмаган кўп халқлар, айниқса, Мовароуннаҳр фақиҳлари ва муҳаддислари унинг ривожига беқиёс даражада катта ҳисса қўшиб келдилар (Juzjoniy A. 2005:11).

Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби буюк намояндалари ёзган нодир асарлар туфайли ўз тараққиётига кўтарилган Ислом қонуншунослиги халқимиз маънавийҳуқуқий меросининг узвий ажралмас қисми сифатида асрлар давомида Марказий Осиё халқлари ҳаётида муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келган (Saidov, 1997:207).

Жумладан, бу соҳада шошлик фақиҳлар ҳам ислом ҳуқуқшунослигида қимматли асарлар яратишган. Фиқҳ илми ривожида шубҳасиз, буюк имом Абу Бакр Қаффол Шошийнинг ҳиссаси катта бўлган.

Ўрта асрларда «Фахр алислом» («Ислом фахри») сифатида шуҳрат қозонган Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Мустазҳирий Шоший (1038-1114) ўз даврида Бағдоддаги фуқаҳоларнинг раиси бўлган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший Бағдодга бориб, машҳур фақиҳ Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Наср ибн Саббоғлардан фиқҳни ўрганиб, таниқли имом даражасига етган (Subkiy 1999:341, Zahabiy 1999: 393).

Таниқли исломшунос Ризоуддин Фахриддин ўзининг «Имом Ғаззолий» асарида «Абу Бакр Шоший Абу Исҳоқ Шерозий», Абулқосим Қушайрий, Ҳаририй (соҳиби мақомот), Абу Исҳоқ Воҳидий, Абулмаҳосин Рўёний, Хатиб Табризий, Хатиб Бағдодий, Қози Байзовий каби улуғ олимлар замонида яшаган эди», деб ёзган (Rizouddin Faxriddin : 16).

Маълумки, салжуқийларнинг буюк вазири Низом алМулук ислом оламидаги бир қанча йирик шаҳарлар каби Бағдодда ҳам «Низомия» мадрасасини қурдирган. Ушбу мадраса ўз даврида академия даражасида бўлган. Чунки «ўша кезларда бу мадраса энг муҳташам ва йирик саналар, бу ерга араб мамлакатлари марказларидангина эмас, ҳатто, Ўрта Осиёнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби қатор шаҳарларидан, Хуросон ва Шошдан ҳам талабалар келиб таълим олар эди. Мадраса икки қаватли бўлиб, бу ерда бир йўла тўрт юз талаба дарсга қатнашар, мантиқ, калом, луғат илми, сарфу наҳв (грамматика), одоб каби фанлар ўқитилган» (Rizouddin Faxriddin : 16).

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида таълим олган

ва кейинчалик унинг мударриси этиб тайинланган. У бу ерда кўп таниқли олим ва алломалар билан мулоқотда бўлган. «Йирик файласуф Абу Ҳомид Ғаззолий (1059-1111), Абу Исҳоқ Шерозий (ваф. 1083), Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийлар бир вақтда мана шу «Низомия»да дарс берганлар» (Munirov Q., Irisov A., Nosirov A. 1983:16-17).

Ўрта асрларда (IX-XII) илмфан ва маданият марказларидан бири Бағдодга «Шоший» нисбасидаги бир қатор олимлар – машҳур муҳаддис Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Жаъфар ибн Шуайб Шоший, Муҳаммад ибн Яҳё ибн Закариё Шоший, Ҳасан ибн Соҳиб Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Али Шоший ва бошқалар ташриф буюрган. Бу ерда улар нафақат илм ўрганишган, балки мударрис, аллома, фақиҳ, имом сифатида машҳур бўлишган.

Мазкур мақолада IX-XII асрлар Шошлик фақиҳларнинг минтақа ислом марказларидаги фаолияти тадқиқ этилган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший (291/904-366/977) – фиқҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича буюк алломалардан ҳисобланади. У моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонганлиги боис “Қаффол”, яъни қулфчи, қулфсоз деган ном унинг тахаллусига айланиб кетган.

Қаффол Шошийнинг Ислом оламидаги обрў-эътибори ва мавқеи, илмий салоҳияти ҳақида Ўрта аср араб муаллифлари ўз асарларида алоҳида таъкидлаб ўтишган. Жумладан, Ибн Халликон ўзининг “Вафоёт алаъён” (“Улуғ кишилар вафоти саналари”) китобида «Абу Бакр Қаффол Шоший ўз замонасининг имоми бўлган. У фиқҳ, ҳадис, усул, тилшунослик фанлари ва шеър битиш бўйича Мовароуннаҳрдаги шофиъий мазҳабига мансуб олимлар орасида тенги йўқ бўлган. У Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Суғур (Шимолий Сурия) сафарида бўлган, унинг донғи бу ўлкаларда ҳам кенг тарқалган», - деб қайд этган (Mukhamedov N., 2020:78).

IX асрдан бошлаб ҳанафий, шофиъий ва ҳанбалий мазҳаблари Марказий Осиёда ўз нуфузини ўтказа бошлаган. Хуросонда ҳанбалий мазҳабининг йирик намояндаси Шайхулислом Абдулло Ансорий (XI аср) эди. Шофиъий мазҳабининг атоқли вакили сифатида Марказий Осиё бўйича шофиъийлар имоми тошкентлик Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший улуғланган (Juzjoniy A. Sh. 2002:176).

Ҳижрий IIIIV асрларда Марказий Осиёда шофиъий мазҳаби ҳанафий мазҳаби билан рақобат қиларди (Ibn Xaldun : 315). Ўша даврда Марв, Бухоро, Самарқанд ва Насаф, Шош шаҳарлари Ўрта Осиёдаги мусулмон ҳуқуқшунослигининг асосий марказлари бўлиб, ушбу шаҳарларда ҳанафий ва шофиъий мазҳабидаги фақиҳлар фаолият олиб борганлар. Шофиъийлик Ўрта Осиёга ҳанафийликдан бирмунча кейинроқ тарқалган. В. Бартольд шофиъийлик Мовароуннаҳрнинг баъзи жойларига Шимолий Хуросондан аввалроқ тарқалган, деб таъкидлайди (Bartold V.: 1963).

IX-XI асрларда шофиъий мазҳаби Хуросон, Туркистон ва Эронда катта эътибор қозонган эди. Хожа Низомулмулк ўзининг “Сиёсатнома” асарида таъкидлашича, Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳанафий мазҳабида бўла туриб, ибодатларни шофиъий мазҳаби қоидаларига асосланиб адо этарди. Салжуқийларнинг машҳур вазирларидан бири Амидулмулк Абу Наср Кундурий ҳанафий мазҳабида, шунингдек, “Сиёсатнома” китобининг муаллифи Хожа Низомулмулк (10181092) шофиъий мазҳабида эдилар. Ўша даврда шофиъийлик ва ҳанафийлик ўртасидаги муносабатлар тарихчи олим А.Мўминовнинг қатор мақола ва рисолаларида баён қилинган (Mo`minov A : 2015)

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Мустазҳирий Шоший (1038-1114) – имом, аллома, шофиъия шайхи, ўз асрининг фақиҳи улуғ (катта) имом, ислом фахри сифатида шуҳрат қозонган (Tojuddin as-Subkiy, 1999 : 341).

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший 429 йил муҳаррам ойида Диярбакрнинг Майёфориқин(ميافارقين) (ҳозир Туркиянинг Силван) шаҳрида туғилган.

Манбашунос олимлар – Қ.Муниров, А.Ирисов, А. Носировнинг таъкидлашича, Абу Бакр Шошийнинг ота-боболари Шош ўлкасидан экани зикр қилинган (Munirov Q., Irisov A., Nosirov A., 1983:16). Деярли кўплаб ўрта аср араб манбаларида бу шошлик фақиҳ ҳам “Қаффол” номи билан зикр этилган.

Шу ўринда Шошлик фақиҳнинг туғилган шаҳри ҳақида бироз тўхталиб ўтамиз. Ўша даврда Майёфориқин Диёрбакрдаги энг машҳур шаҳар бўлган. У юнон манбаларида “Martyropolis” (шаҳидлар шаҳри) деб аталган. Қадимда тиканзор ва қамишзор бўлган ушбу жойда Сосоний ҳукмдори Яздижард (399-420)дан рухсат олган епископ Маруса томонидан аҳоли пункти ташкил қилиниб, бу ерга Эрондан насроний динида шаҳид бўлганларнинг жасадлари кўчириб келинган экан.

Бу шаҳар Рим ва Сосонийлар империяларининг орасида жойлашгани учун баъзан бу давлатга, баъзан бошқа давлатга тегишли бўлган. VI аср

бошидан Рим империяси соясида гуллаб яшнай бошлаган ушбу шаҳарни 589 йил Сосонийлар қўлга киритган. Аммо 591 йил бир ёрдам эвазига шаҳар Рим империясининг ихтиёрига топширилади. Бу шаҳар мусулмонлар томонидан фатҳ этилгунича Император Гераклнинг измида бўлган. Майёфориқин шаҳри Умар ибн Хаттоб (р.а.) даврида 640 йил Иёз ибн Ғаним томонидан фатҳ этилган.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Мустазҳирий Шоший дастлаб фиқҳ илмидан Маёфориқинда Муҳаммад ибн Баён Казрувнийдан, Маёфориқин қозиси Абу Мансур Тусий Шайх Абу Муҳаммад Жувайнийлардан таълим олади.

Устози ва шайхи Казрувний вафотидан олдин Абу Бакр Шоший Ироққа сафар қилиб, Бағдодга боради. Бағдодда Шайх Абу Исҳоқ Шерозий билан учрашиб, ундан дарс олади. Шунингдек, Абу Наср ибн Саббоғдан фиқҳни жидду жаҳд ила ўрганиб, таниқли имом даражасига етади (Tojuddin as-Subkiy, 1999 : 341, Shamsuddin Zahabiy, 1993: 393)

Абу Бакр Шоший Бағдодда Муҳаммад ибн Баён Казрувний, Қосим ибн Аҳмад Ҳаёт, Абу Бакр Хатиб, Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Жа’фар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муслим, Абу Ғаноим ибн Ма’мун, Абу Я’ло ибн Фарролардан ҳамда Маккада Хияж ибн Муҳаммад Хиттинийлардан ҳадис илмини ўрганган. Ундан Абу Муаммар Азжий, Абулҳасан Али ибн Аҳмад Яздий, Абу Бакр Нақур, Абу Тоҳир Салафий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган.

Абу Бакр Шоший устодлари наздида ҳам катта обрў қозонади. Шу сабаб бўлса керак, мадрасани тугатгач, Бағдодда мударрислик фаолияти билан шуғулланади. Ўша пайтларда Бағдодда «Низомия» мадрасаси қурилган бўлиб, Шоший шу мадрасага мударрис қилиб тайинланади.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийдан Бағдодда шайх, имом, катта фақиҳ, қози Абулмуфаззал Яҳё ибн Али ибн Абдулазиз ибн Али ибн алҲусайн алҚураший адДимашқий (ваф. 534) фиқҳ илмини ўрганган ва ундан ҳадислар эшитган. Шунингдек, шошлик фақиҳдан шайх, имом, муфтий Абулҳасан Муҳаммад ибн Абулбақо алМуборак ал-Бағдодий, имом, аллома, муҳаддис, ҳофиз, муфтий, шайхулислом Абу Тоҳир Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Исфаҳонийлар фиқҳ илмидан таълим олган. Ўз даврининг закийларидан бири – аллома, муфтий Абулаббос Аҳмад ибн Салама ибн Убайдулло ибн Рутобий (ҳижрий 527 йил Ражаб ойида Бағдодда вафот этган) Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший билан ҳамроҳ бўлиб, унинг хизматида бўлган.

Юқорида қайд этганимиздек, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший фуқаҳоларнинг машҳурларидан эди. Отабобоси Шош ўлкасидан бўлиб, Абу Бакр Шоший Маёфориқин қишлоғида таваллуд топган. Аввал ўзининг туғилган жойида, кейин Бағдодга бориб, ўша замоннинг зўр олими Абу Исҳоқ Шерозий Абу Наср ибн Саббоғ ва бошқа олимлардан таълим олган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший Абу Исҳоқ Шерозий билан Нишопурга бориб, илмий мунозараларда қатнашиб, ўзини танитган. Яна Бағдодга қайтиб, устози Абу Исҳоқ Шерозий вафотидан (476/1083) кейин шофи’ий мазҳабидаги фуқаҳоларнинг раиси бўлган (Nosirov A : 681).

Устоди Абу Исҳоқ Шерозий вафот этгач, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший унинг ўрнига мударрис этиб тайинланади. Манбалар кўрсатишига кўра, у дастлаб дарсга киргач, устод ўтирадиган жойга ўтириб араб шоири Абу Таммом (788-846) шеърларидан ушбу мазмундаги байтларни ёздирибди:

«Жойлар бўш қолганида ҳеч ким мени катта қилиб сайламаса ҳам, ўзим катта бўлиб қолибман. Аммо катталардан якка ўзим қолганим менинг учун оғир мусибат бўлди», у бу байтни қайтақайта ўқиб, шогирдларига ўқитиб, «Улар кетиб, курсига ўтириш навбати менга келдими» деб ўзини тутолмай кўзига ёш олибди (Munirov Q., Irisov A., Nosirov A., 1983:18).

Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший йирик фақиҳ бўлиб, бу соҳага оид бир қанча асарлар таълиф этган. Ҳожи Халифа ўзининг «Кашф аззунун» асарида «Ҳилйат алуламо фи мазоҳиб алфуқаҳо» («Фақиҳлар мазҳабида олимлар зийнати») асари муаллифи алМустазҳирий деб танилган Шайх Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн алҚаффол ашШоший (ваф. 507), - деб ёзади». Тошканд олимлари бўйича маълумотлар тўплаган шарқшунос А.Носиров «Кашф аззунун»даги ушбу фикрга таяниб, «Мустазҳирий Қаффол Шошийнинг авлодларидан эканлиги маълум бўлади», - деб қайд этган. Шунингдек, Ёқут Ҳамавий «Му’жам албулдон» асарида «Тарғиб филфуру’» («Фуру’га қизиқиш уйғотиш») китоби муаллифи фахр алИслом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Қаффол Шоший бўлиб, 507 йилда вафот этганлиги таъкидланган (Mu’jam al-buldon, 1999:401). Лекин кўп манбаларда у «Фахр алислом», «Мустазҳирий», «Шайх», «Имом» номлари остида зикр этилади. Аммо уларнинг бирортасида Қаффол Шошийнинг авлодларига тегишли эканлиги айтилмаган (Mukhamedov N., 2020:76).

Шундай қилиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийнинг йирик асари «Ҳилйат алуламо» («Ҳилйат алуламо фи мазоҳиб алфуқаҳо») бўлиб, уни аббосий халифаларидан алМустазҳир Биллоҳга (ваф. 512/1118) бағишлаб ёзган. Бу катта

китоб бўлиб, уни Аббосий халифа Мустазҳир маъқуллаган. Шунинг учун бу китоб «Мустазҳирий» деб ҳам номланган. Ана шу китоби туфайли Абу Бакр Шоший «Мустазҳирий» деган ном таратган ва тарихий манбаларда унинг тахаллуси ёнида бир унвон сифатида ёзиб келинади (Munirov Q., Irisov A., Nosirov A., 1983:17).

Ҳожи Халифанинг хабар беришича, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ўша даврда ҳар бир масалада имомлар ўртасида воқеъ бўлган ихтилофларни зикр қилган. Сўнгра «алМу'тамад» («Ишончли»)ни ёзган. Ушбу асарнинг тўлиқ номи – алМу'тамад' фи фуру'и ашшофи'ия («Шофи'ия фуру'лари бўйича ишончли асар») бўлиб, у «Ҳилйат алуламо» китобидек шарҳсиз ёзилган (Kashf az-zunun, 1992 : 6).

Маълумки, фиқҳ–ислом ҳуқуқшунослигини ривожлантиришда Имом Шофи'ийнинг (ваф. 820) хизмати катта. У ўзининг «арРисола» асарида фиқҳнинг асосий тушунча ва белгиларини биринчи марта аниқ таърифлаб бериб, «усул алфиқҳ» илмига асос солган. Юридик фанлар доктори, проф. А.Саидовнинг эътироф этишича, «ислом қонуншунослигининг мустақил фан сифатида шаклланишида суннийлик ҳуқуқ мазҳабларидан бирининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон Шофи'ий Ҳошимий Қураший бениҳоя катта ҳисса қўшган» (Saidov A., 1997: 214).

Шофи'иянинг кейинги асрларда ном чиқарган издошлари қаторига Абу Исҳоқ Иброҳим ашШерозий (ваф. 1083) киради. Айнан унга атаб вазир Низом ал-Мулк Бағдодда Низомия мактабини (мадраса) қуриб берган. Файласуф ва фақиҳ Абу Ҳомид алҒаззолий (ваф. 1111) ва қомусий олим Жалолуддин асСуйутий ҳам унинг издошларидир (Husniddinov Z., 2000:16).

Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шоший алФақиҳ ашШофи'ий «алУмдату фи фуру'и ашшофи'ия» («Шофи'ия фуру'ларининг асоси») асарини таълиф этган. У ўзининг бу асарини халифа алМустазҳир ўғли талаби билан ёзиб, унда дин асосларини қисқача тасниф қилган. Ушбу китобга кўп олимлар эътибор беришган. Китобга Алоуддин Али ибн Муҳаммад алБағдодий (ваф. 741), Тожуддин Умар ибн Али алФокиҳоний ал-Моликий (ваф. 731), Ибн алМулаққин деб танилган Умар ибн Али (ваф. 804), Ибн Дақиқ алИйд деб танилган шайх Тақиюддин Муҳаммад ибн Али (ваф.702), Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдуддоим ал-Бармовий (ваф. 831) ва бошқалар шарҳлар ёзишган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шошийнинг яна бир йирик асарларидан бири «ашШофий» («Шифо берувчи»)дир. «Бу асари ҳам фиқҳ (қонуншунослик) га бағишланган бўлиб, араб олими Абу Иброҳим Исмоил ибн Яҳё алМузаний(791-878)нинг «ал-Мухтасар» («Қисқа») деган асарига ёзилган шарҳ бўлиб, манбалар кўрсатишича, бу шарҳ йигирма жилддан иборат. Шоший буни беш йил давомида ёзиб тугатган (Xayruddin Zirikli : 210,327).

Бироқ Ибн Халликон Абу Бакр Шошийнинг бу китобини бошқа асарга ёзилган шарҳ сифатида кўрсатади: «ашШомил фи фуру'и ашшофи'ия» («Шофи'ия фуру'лари бўйича кенг қамровли китоб») асари муаллифи Ибн асСаббоғ деб танилган Абу Наср Абдуссайид ибн Муҳаммад ашШофи'ийдир. Бу асар шофи'ия мазҳабидаги энг яхши ва тўғри китобдир. Унинг шарҳлари ва изоҳлари мавжуд бўлиб, жумладан, Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад алБағдодий ашШоший (ваф. 507) 20 жилдли ёзган шарҳини «ашШофий» деб номлаган.

Аксарият манбаларда Абу Бакр Шошийнинг «ашШофий» асари шофи'ия мазҳабидаги машҳур беш китобдан бири «Мухтасар алМузаний фи фуру'и ашШофи'ия» («Шофи'ия фуру'лари бўйича алМузаний мухтасари») асарига ёзилган шарҳ эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Жумладан, Имом анНававий «атТаҳзиб» асарида зикр қилишича, Шайх Имом Исмоил ибн Яҳё ал-Музаний ашШофи'ий шофи'ия мазҳабида биринчи асар ёзган кишидир. Ибн Сурайжнинг айтишича, «алМузаний мухтасари» дунёга бокира қиздек чиқди. Бошқалар ўз асарларини худди шу китобдек тартиблаган. Бу китобга кўплаб олимлар шарҳлар ёзишган. Хусусан, Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ашШоший «ашШофий» номли шарҳ ёзган. Ундан ташқари унинг (Шоший) «ашШофия шаҳобчасининг устуни», «Талоққа оид масала» каби асарлари бўлган (Munirov Q., Irisov A., Nosirov A. 1983:17).

Шундай қилиб, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ўз даврида илммаърифат ва исломнинг маданий марказларидан бири Бағдодда Мустазҳирий номи билан танилган юртдошимиз Абулаббос Аҳмад, Абулмузаффар Сам'оний, Наср Муқаддасий, Рўёний, Хатиб Табризий, Имом Ғаззолий каби улуғ олимлар билан замондош бўлган.

Ўша даврда Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Наср Сабо', Абулқосим Дабусий, Имом Ғаззолий, Фахр алислом Шоший (Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад), Суҳравардий, Камолиддин Анборий ва бошқалар сабоқ беришган. Мустазҳирий Низомияда араб тили, калом, мантиқ, адабиёт, сарфнаҳв, қироат, луғат, тафсирдан дарс берар эди.

Шоший ўз даврида араб адабиёти ва хусусан, шеъриятини жуда яхши билган кишилардан бўлган.

Қуръон, ҳадис, қонунқоида йўлйўриқларини жуда яхши билган. Тилшунослик, хусусан, араб адабиёти ва грамматикасининг нозик томонларигача эгаллаган. Шунинг учун бўлса керак, унинг синтаксисга оид асари ўрта аср ва ундан кейинги даврларда ҳам кўп мўътабар китобларда тилга олинади.

Фиқҳ илмидаги билими, тутган мавқеи жиҳатидан барча қомусий манбаларда унинг номига «Фахр алислом, «алИмом алКабир» сифатлари қўшиб эътироф этилган.

Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Иброҳим аш-Шоший (ваф. 325/947) – Ислом оламида "Мовароуннаҳр" (Дарё орти) деб аталган ушбу муқаддас заминда VIII-X асрларга келиб, йирик фақиҳ ва усулчи олимлар фаолият кўрсатган. Хусусан, Шош шаҳридан етишиб чиққан олим ва фақиҳлар ҳам ислом маданиятида ўзига хос ўрин эгаллаган. Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Иброҳим аш-Шоший (ваф. 325/947) Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол аш-Шоший (ваф. 366/977), Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ аш-Шоший (ваф. 344/956) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Маълумки, шаръий хукмларни истинбот қилиш (ишлаб чиқиш) да *усулул фиқҳ* фанида таъсис этилган махсус қоидаларга асосланилади. Ўрта асрлардаги усулул фиқҳ фани олимларининг аксарияти араб бўлмаган халқлар, хусусан, Марказий Осиёлик бўлганлиги эътиборга моликдир.

Усулул фиққга оид асарлар ислом оламида кенг ёйилишига қарамасдан унинг муаллифи хусусида турли хил фикрлар мавжуд. Бунга асосий сабаб қилиб икки нарсани кўрсатишимиз мумкин: Биринчидан, "Аш-Шоший" нисбаси билан номланувчи олимлар орасида "Усулул фиқҳ"га доир асар ёзганлари бир неча бўлган. Иккинчидан эса, «Усул аш-Шоший» асарининг қўлёзма ва аксарият босма нусхаларида муаллиф номи кўрсатилмаган. Фикримизни ўтган асрнинг 70-йилларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (ҳозирги Ўзбекистон мусулмонлари идораси)да фолият юритган марҳум олим Нодирхон Алоуддин ўғлининг фикрлари ҳам тасдиқлайди. Унинг ёзишича, "Усул аш-Шоший" асарининг муаллифи Низомиддин аш-Шоший бўлиб, бу зот Тошкентдаги Абу Қаффол аш-Шоший мақбарасига дафн этилган (Sovet Sharqi musulmonlari, 1971:9).

Баъзилар ушбу асар муаллифи сифатида 344/955 йилда Бағдодда вафот этган Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ аш-Шошийни кўрсатадилар. Ушбу фикрга исломшунос олим А.Мўминов ҳам қўшилган (Mo'minov A., 2003 : 66).

Манбаларда қайд этилишича, Абу Али Шоший Абу-л-Ҳасан Кархий (ваф. 340/951й)нинг шогирди бўлган. Бошқа манбаларда эса, асар муаллифи сифатида Абу Алидан сал аввалроқ Мисрда 325/947йили вафот этган Исҳоқ ибн Иброҳим аш-Шошийга ишора этилади ва ушбу фикрни ҳанафий олимлар ҳақида табақот ёзган библиограф Хайриддин Зирикли ҳам тасдиклайди. Унинг тўлиқ исми – Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Иброҳим аш-Шоший бўлиб, манбаларда унинг Шош (Тошкент) да туғилиб, кейинчалик Самарқандда яшагани сўнг Мисрга бориб, у ерда қозилик лавозимида ишлаб, ўша ерда 325/947 йилда вафот этгани ёзилган.

У ўз давридаги ҳанафий олимларнинг пешқадами ва фатво айтувчиси бўлган ва сиқат (ишончли ровий) деб ном олган. У Муҳаммад ибн Ҳасаннинг «Ал-Жомиъ ал-Кабир» асарини Зайд ибн Усомадан, у Абу Сулаймон ал-Жузжонийдан, у эса, бевосита асар муаллифи бўлмиш имом Муҳаммаддан ривоят қилганлиги юқоридаги манбаларда таъкидланади.

Усулул фиқҳ фанига доир ёзилган асарлар орасида мухтасар бўлишига қарамасдан ҳанузгача қўлдан қўлга ўтиб, тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келаётгани бу шубҳасиз, шошлик аллома томонидан тасниф этилган «Усул аш-Шоший» асаридир. Уни «Китаб-ал-Хамсийн» (كتاب الخمسين), «ал-Мухтасар фи усул ал-фиқҳ»(المختصر في اصول الفقه) каби номлар билан ҳам аташади (Hofiz Muhammad Barakatulloh : 5).

Асар бир неча бор Байрут, Миср, Покистон, Ҳиндистон ва ҳатто, Буюк Британияда ҳам нашр этилган. Шунингдек, усулул фиқҳ фанидан асосий дарслик сифатида қўлланиб келинмоқда. Асарнинг бир нечта қўлёзма ҳамда босма нусхалари ушбу мамлакатларнинг кутубхоналарида мавжуд. Масалан, Ҳиндистондаги «Худобахш» кутубхонасида № 1501 рақами остида сақланаётган, инглиз тилидаги ҳужжатда ушбу асар ва унинг муаллифи ҳақида қимматли маълумотлар ёзилган. Жумладан, китобнинг 1278/1862, 1289/1873, 1337/1919-йилларда нашр этилган нусхалари ҳамда асарнинг Қоҳира ва Рампур университетларида сақланаётган бошқа нусхалари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд (Fiqh. http://www.islom.uz).

Асардан юртимизда ҳам усулул фиқҳ фанидан асосий манба сифатида фойдаланиб келинган. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида асарнинг бир нечта қўлёзма ва тошбосма нусхалари ҳамда унга битилган шарҳ қуйидаги рақамлар остида сақланмоқда:

Қўлёзма нусхалари - № 3287, 8866, 6638, 4944, 10258

Босма нусхалари - № 11103, 11292, 11336, 11422, 11423, 12705,

Шарҳи - № 6364.

Асар муаллифи тўғрисидаги турли хил фикрларга юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, асардаги Низомиддин исми муаллифнинг куняси сифатида келтирилган.

Муаллифнинг бизгача етиб келган бу асари фиқҳий асарлар орасида энг мўътабари саналади. Китоб ўз давридан то ҳозирги кунимизгача фиқҳий манбалардан шаръий қонун-қоидалар ишлаб чиқишда асосий манба сифатида мусулмон уламолари учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, мадрасаларда талабаларга фиқҳ фанининг асосларини ўргатишда ўқув қўлланмаси сифатида ўқитиб келинмоқда. Муҳими, алломанинг "Усул аш-Шоший" асари бутун ислом оламида ҳанузгача эътироф этилади.

Абул Ҳасан алҚосим ибн Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али алҚаффол ашШоший («ат-Тақриб» асари муаллифи) – фақиҳ. Буюк аллома Абу Бакр Қаффол Шошийнинг ўғли бўлиб, манбаларда дунёдаги улуғ имомлардан бири сифатида эътироф этилган. Аббодий уни ўз «Табақот»ида зикр қилиб, шундай деган: «Унинг хизматлари буюкдир, бунга унинг «атТақриб» китоби шоҳиддир (Tojuddin as-Subkiy, 1999:334).

Тожуддин асСубкийнинг хабар беришича, Қосим ибн Муҳаммад ибн Али Шошийдан Хуросонлик фуқаҳолар таълим олишган. Ундан Ироқ аҳли ҳам кўп яхшиликларни кўрган.

Машҳур тарихчи Хожа Халифа ўзининг «Кашф аззунун» асарида «атТақриб» (тўлиқ номи «атТақриб филфуруъ» - «Фуруъга яқинлашиш») асари муаллифи Шайх Имом Қосим ибн Муҳаммад ибн алҚаффол ашШоший ашШофиъий», деб ёзган (Kashf az-zunun, 1992 : 466).

Маълумки, Қосим ибн Али ашШоший ушбу фиқҳий асари билан шуҳрат қозонган. Бу ҳақда Ҳамза асСаҳмий «Тарихи Журжон» асарининг Ҳалимий таржимаи ҳоли бобида айнан шундай ибораларни келтирган: «Ҳалимий деган: «атТақриб» асари соҳиби Қосим ибн Абу Бакр алҚаффол мендан фиққа оид ўн битта жуз (боб) изоҳ ва шарҳлар ёзиб олди» (Tojuddin as-Subkiy, 1999:334).

Ибн Халликоннинг айтишича, «Бу асар шофиъий мазҳабидаги мўътабар китоблардан бўлиб, кимнинг ҳузурида шу китоб бўлса, бошқасининг ҳожати йўқдир. Бу китобни Байҳақий ва Имом алҲарамайнлар мақташган. «Китоб атТақриб»га Имом алҲарамайн АбулМаъолий (ваф. 478) талхис (қисқартма) ёзган. Баъзилар ушбу китобнинг муаллифи отаси Қаффол Шоший дейишади. «Бу хато фикрдир», деб ёзган Ибн Халликон (Kashf az-zunun, 1992 : 466).

У ўзининг бу фикрларини қуйидагича изоҳлаб, «Мен 665/1266 йил шаввол ойида Дамашқдаги Одилия мадрасасининг китоблар хазинасида асли ўн жилддан иборат «Китоб атТақриб»нинг олти жилди сақланаётганини кўрдим. Асарнинг устига унинг муаллифи Абу Бакр алҚаффол ашШошийнинг ўғли Абулҳасан алҚосим, мазкур нусха аввал Шайх Қутбиддин Масъуд анНисобурийга тегишли бўлиб, кейин уни вақф қилганлиги ёзилган эди. Бу «Китоб атТақриб» Сулайм арРозий қаламига мансуб «Китоб атТақриб» эмас. Мен фақиҳлардан кўпларини кўрдимки, Сулаймнинг асарини Қаффолники деб ишонадилар. Шунинг учун ҳам бу масалага чуқурроқ ёндашдим. Қаффолнинг ўғлига мансуб бўлган «Китоб атТақриб»нинг сони жуда кам. Сулаймнинг асари эса одамларнинг қўлларида мавжуд. Хуросон фақиҳлари ўқиб ўрганадиган «Китоб атТақриб» ҳам шудир» (Yaminov A., 2004:77, Ibn Xallikon:459).

Тожуддин асСубкий «Табақот ашшофиъия алкубро» асарида шофиъия мазҳабининг улуғ имомлари тўғрисида маълумотларни келтириб шундай ёзган: «Асҳобимиз фақиҳларидан тўрттаси ўзидан давомчилар қолдирган. Абу Бакр ал-Исмоилийдан ўғли Абу Саъд, Имом Абу Саҳлдан ўғли алИмом ибн Имом, Абу Жаъфар Ханотийдан ўғли Шайх Абу Абдуллоҳ туғилган. Абу Бакр ал-Қаффол ашШоший ўз наслидан иқтидорли ўғилга эга бўлди. Унга (Қосим Шоший) «атТақриб» китоби мансубдир (Tojuddin asSubkiy, 1999:334).

Кўриниб турибдики, Қосим Шоший ҳам йирик фақиҳлардан бўлган. Абу Бакр алБайҳақий «Шофиъий матнлари мусаннифлари орасида «ат-Тақриб» муаллифидан кўра ишончлироғини кўрмадим», деб асарга юксак баҳо берган.

Имом анНававийнинг айтишича, Қосим Шошийнинг «атТақриб» китоби алМузанийнинг «Мухтасари» шарҳларидан кўра фойдаси кўпроқ асардир. Исломшуносликда турли фиқҳий манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этишда Қосим Шошийнинг «атТақриб» асари муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз китоб хазиналарида ушбу ноёб асар мавжуд эмас.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший (397/1007-485/1092) – имом, аллома, фақиҳ бўлиб, Шошда туғилган. Ўз юртида фиқҳ илмини Абу Бакр асСанжийдан ўрганган. Ундан кўп кишилар фиқҳ илмидан сабоқ олишган. Тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг айтишича, «Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид алФақиҳ Марвда бўлиб, менинг бобом Имом Абулмузаффар Самъонийнинг асҳобларидан эди. У тақводор, зоҳид, пок қалбли ва доимо илм билан машғул бўлган» (Abu Sa'd as-Sam'oniy, 1988:166).

Абу Бакр Ҳомид Шоший фиқҳ илмида шуҳрат қозониб, «Имом» даражасига етишган. Уни Ғазна султони ўз шаҳрига таклиф қилиб, иззатикром билан

кутиб олган. Манбаларда Абу Бакр Ҳомид Шоший Ғазнада яшаб, фарзандлар кўрган ҳамда асарлар ёзганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор (Tojuddin as-Subkiy, 1999:465, Shamsuddin Zahabiy, 1993:525).

Сўнгра уни буюк вазир Низом алмулк Ҳиротга чорлаган. Ғазна аҳли уни оиласи билан Ҳиротга ҳурмат билан кузатган. У Ҳиротдаги «Низомия» мадрасасида мударрислик қилган. Бу ерда у Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шошийнинг шогирди Мансур алКоғазийдан ҳадис илмини ўрганган.

У ҳижрий 485 (милодий 1092) йил шаввол ойининг 6куни Ҳиротда вафот этган. Бу санани машҳур тарихчи Абу Саъд Самъоний қайд этиб, шундай ёзган: «Мен Ҳиротда унинг қабрини зиёрат қилдим» (Abu Sa'd as-Sam'oniy, 1988:166).

Тоҳир ибн Абдуллоҳ алИлоқий – имом, муҳаддис ва фақиҳ бўлиб, Шайх Имом Абу Рабиъ номи билан танилган (Abu Sa'd as-Sam'oniy, 1988:406, Tojuddin as-Subkiy, 1999:86).

Илоқ туркларга туташ (чегарадош) Шош воҳасига қарашли юртдир. Ўрта асрларда Илоқ кўҳна Шош воҳасининг жанубий қисмида Оҳангарон дарёси ҳавзасида жойлашган бўлиб, бу ердан ҳам кўплаб олимлар етишиб чиққан. Айниқса, у фиқҳ имоми бўлиб, уни пухта эгаллаган эди. Аллома ўз замонасининг раҳнамоларидан ва фиқҳ илми зукколаридан бўлган. У илм талабида дунё кезиб, машҳур уламолар суҳбатидан баҳраманд бўлган. У фиқҳ илмини Марвда Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аҳмад Қаффол Марвазийдан, Нишопурда эса Абу Тоҳир Муҳаммад азЗиёдий, Бухорода Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн алҲалимийдан ўрганади. Усул илми бўйича эса устози Абу Исҳоқдан таълим олди. Ёқут алҲамавий ҳам бу фикрни қувватлаб, нишопурлик машҳур олим, фиқҳ, калом, тил, усул каби илмлар билимдони Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Исфаройинийдан Тоҳир ибн Абдуллоҳ алИлоқий усул илмини ўрганганини таъкидлайди. Кейинчалик Шош аҳлларига фиқҳдан сабоқ берган.

Олим ҳадисларни устози Абу Нуъайм Абдулмалик ибн Ҳасан алАзҳарий ва бошқалардан ривоят қилган. Манбаларда кўрсатилишича, 465/1073 йилда 96 ёшида вафот этган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Довуд Ризвон Илоқий - фақиҳ ва муҳаддис бўлиб, Шош воҳасидаги Илоқ шаҳрида туғилган. «У ростгўй, солиҳ киши эди. Илм талабида дунё кезиб, Марвда Ҳасан ибн Масъуд алФарроийдан фиқҳ илмидан таҳсил олган».

Тожуддин асСубкийнинг хабар беришича, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Довуд Ризвон алИлоқий фиқҳ илмини Марваррудда машҳур олим Абу Саъид Муҳаммад ибн Али алБағавийдан, Нишопурда Муҳаммад ибн Яҳё дан ҳамда Хуросонда Ҳасан ибн Масъудлардан ўрганган.

Илоқлик фақиҳ Абу Абдуллоҳ алФаравийдан ҳадислар эшитган. У умрининг охирги йилларида Марвда яшаган. Бу ҳақда Абу Саъд Самъоний: «У бизнинг ҳузуримизга келиб, мадрасамизда бир муддат турди. Мен ундан ҳадислар эшитдим», - деб ёзган (Abu Sa'd as-Sam'oniy, 1988:406, Tojuddin as-Subkiy, 1999:360). Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Довуд Ризвон алИлоқий 539/1145 йилда вафот этган.

Абу арРажоъ алМуъмил ибн Масрур ибн Абу Саҳл ибн Маъмун ашШоший алХумракий (440/1049-517/1123) – фақиҳ ва муҳаддис бўлиб, Шош воҳасидаги Хумрак деган шаҳарчада туғилган. Ёқут алҲамавий «Хумрак – Мовароуннаҳр вилоятларидан Шошдаги шаҳарчадир. Унга Абу Ражоъ алМуъмил ибн Масрур ашШоший ал-Хумракий мансубдир» (Mu'jam al-buldon: 389, Abu Sa'd as-Sam'oniy, 1988:175) деб ёзган. Тарихчи Самъонийнинг айтишича, Абу арРажоъ алМуъмил ашШоший илммаърифат талабида юрт кезган. У Бухорода Абу алХаттоб атТабарий ҳамда ғазнада шошлик машҳур фақиҳ Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид ашШошийдан фиқҳ илмини ўрганган (Tojuddin as-Subkiy, 1999:203).

АлМуъмил ашШоший ўз билимини бойитиш мақсадида сафар қилиб, Раис Абу Абдулло Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад арРаққий, Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансур асСайёр алҲофиз, Абу Абдулло Иброҳим ибн Али атТабарий (Абу ал-Хаттобнинг ўғли), Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад анНахшабий алҲофиз, Абулмузаффар ибн Самъоний ва бошқалардан фиқҳ илмидан сабоқ олган. Манбаларда кўрсатилишича, ал-Муъмил ашШоший умрининг сўнгги йилларида Марвда яшаган. У имом, тақводор суфийлардан бўлиб, Тожуддин асСубкийнинг хабар беришича, «алМуъмил ашШоший обид ва мужтаҳидларнинг етакчиси эди. У Яъқуб Суфийнинг Марвдаги работида истиқомат қилганида, кишилар ундан дуо олиш учун келишарди».

АлМуъмил ашШоший имомлар, олимлар, яхшилик аҳллари билан ҳамроҳ бўлган. У Рамазон ойида кундуз кунлари дўстларини зиёрат қиларди. Ва у: «бундан кейинги зиёрат тамаъдир», - деган (Abu Sa'd as-Sam'oniy: 333).

Тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг ёзишича, «алМуъмил ашШоший Марвда бобом Имом Абулмузаффар ҳамда Абу Саъд Муҳаммад ибн ал-Хорисий ва бошқалардан ҳадис эшитган. Ундан бир жамоа муҳаддислар менга ҳадислар ривоят қилишган». АлМуъмил ашШоший Марвда 517/1123 йил Зулҳижжа ойининг учинчи ўн кунлигида чоршанба куни вафот этган ва Розиқ дарёси бўйидаги ўз хонақоҳининг дарвозаси ёнига дафн қилинган.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Ўрта асрларда Шошда фиқҳ илми ҳам тараққий этгани ўзининг исботини топди. Бунда, айниқса, шошлик фақиҳлар Бағдод ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий ҳаётида муҳим роль ўйнагани ўрта аср араб манбалари асосида аниқланди.

IX-XII асрларда илмфан ва маданият марказларидан бири Бағдодга "Шоший" нисбасидаги бир қатор бошқа олимлар – машҳур муҳаддис Абу Саъид алҲайсам ибн Кулайб Шоший, Жаъфар ибн Шуаъйб Шоший, Муҳаммад ибн Яҳё ибн Закариё ашШоший, алҲасан ибн Соҳиб Шоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид ашШоший, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Али Шоший ва бошқалар ташриф буюрган. Бу шаҳарда улар илм ўрганиш билан бир қаторда мударрис, фақиҳ, имом сифатида фаолият кўрсатганлари ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар келтирилди.

Шошлик фақиҳларнинг аксарияти аҳли сунна валжамоанинг шофиъия мазҳабига эътиқод қилишган. Чунки X асрда Марказий Туркистонда, хусусан, Шош, Илоқ, Тароз, Бухоронинг чекка жойларида шофиъия мазҳабига кенг тарқалиб, унга эътиқод қилинган.

Ўша даврларда шофиъий мазҳаби Туркистон, Хуросон ва Эронда ҳам катта эътибор қозонган эди. Салжуқийларнинг буюк вазири Низом алмулк ўзининг "Сиёсатнома" асарида таъкидлашича, Султон Маҳмуд Ғазнавий ҳанафий мазҳабида бўла туриб, ибодатларни шофиъий мазҳаби қоидаларига асосланиб адо этарди. Низом алмулк ҳам шофиъий мазҳабига эътиқод қилган.

Айнан ўрта асрларда шофиъий мазҳаби ҳанафийлик билан рақобатга киришган. Бироқ Имом Абу Заҳранинг таъкидлашича, бундай рақобат фақат фиқҳий мунозаралар доирасида чекланиб, фиқҳ илмининг ривожига туртки берган ва бундан ҳеч қандай адоват, хусумат келиб чиқмаган.

Мовароуннаҳрда шофиъий ва ҳанафий олимлари ўртасидаги дўстона муносабатларнинг асосий омилларидан бири шундаки, шофиъий мазҳаби асосчиси Имом Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий бир неча йил Бағдодда яшаб, Абу Ҳанифанинг энг яқин шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан ҳанафийлик таълимотини ўрганган ва ўзлаштирган. Кейинчалик Имом Шофиъий Мисрга бориб, ўзининг ҳуқуқий мактаби – шофиъия мазҳабига асос солган.

Муҳими, Шошлик фақиҳлар умуминсоний қадриятлар ва диний бағрикенглик тамойилларига амал қилган ҳолда илммаърифатни ривожлантиришган.

ХУЛОСАЛАР

Шошлик фақиҳлар фаолиятида Бағдод илмий марказининг тутган ўрни араб манбалари ёрдамида тадқиқ этилиб, Абулҳасан алҚосим ибн Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қаффол ашШоший, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид алИмом ашШоший, Тоҳир ибн Абдуллоҳ алИлоқий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Довуд Ризвон алИлоқий каби шошлик фақиҳлар номлари аниқланди. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар араб манбалари асосида таҳлил қилинди.

Умуман олганда, ўрта аср араб манбаларида милодий IX аср фиқҳ илмида катта ютуқлар қўлга киритилгани боис "фиқҳ илмининг олтин асри" деб юритилади. Шу "олтин аср" да Шоший нисбасидаги фақиҳлар ҳам фаолияти кўрсатгани аниқланди.

Ўрта (IX-XII) асрларда яшаган Шошлик фақиҳларнинг минтақа илмий марказларидаги фаолияти таҳлил қилинди. Шош воҳасида фиқҳ илмининг ривожлангани ва бунда Самарқанд, Бухоро, Насаф, Термиз ҳамда минтақадаги Марв, Бағдод каби турли шаҳарлардаги мадрасаларда фаолият кўрсатган олимлар, фақиҳлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамият касб этди.

АДАБИЁТЛАР

1. أبو سعد عبد الكريم بن محمد سمعاني. الأنساب. المجلد السابع. ص 244..
2. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96
3. Alidjanova, Lazizakhon Abbasovna (2020) «QUESTIONS OF RELIGION AND SOCIETY IN THE WORKS OF IBN KHALDUN,» The Light of Islam: Vol. 2020: Iss.1, Article 5. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss1/5
4. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. в.9 т.Т.1.-М.,1963.
5. Bahodirov R., Rasulov D. Islom ilmlarining buyuk allomalari. -T.: Abdulla hodiriy nomidagi xalh merosi nashriyoti, 2000. -B.10.
6. Dono, K. (2020). FEATURES OF INFORMATION EXCHANGE ASPECTS IN THE INFORMATION SOCIETY. Ижтимоий фанлар, 2(3).
7. ابن خلكان. وفيات الأعيان – بيروت، 1998. ص. 459.
8. Ziynatullayev, Ziyodilla (2020) "The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 21. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/21

9. Juzjoniy A. Sh. Islom huquqshunosligi va Hanafiy mazhabi taraqqiyotida O”rta Osiyo faqihlarining o”rni. Yuridik fanlar nomzodi... diss. avtoreferati. -T.: 2005. -B.11.
10. Kalandarova, D. (2020). FEATURES OF ASPECTS OF INFORMATION EXCHANGE. The Light of Islam, 2020(1), 210-214.
11. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. Eastern European Scientific Journal, (6).
12. Matibaeva, Raziya (2019) “Sacralization and traditionalization of personality Abu Khanifa in Mavarannahr,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 3. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/3
13. MATIBAYEVA, Raziya (2019) “The development of khanaphism in Mavarannakhr,”The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 16. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss3/16
14. Матибаева, Р. Б. Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» / Р. Б. Матибаева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2019. — № 36 (274). — С. 71-74. — URL: https://moluch.ru/archive/274/62293/ (дата обращения: 29.08.2020).
15. Муминов А. Ханафитский мазхаб в истории Центральной Азии. Монография /Под ред. С. Прозорова. –Алматы: Қазақ энциелопедиясы, 2015. -400 с; Научное наследие ханафитских учёных Центральной Азии и Казахстана. Том 4. –Астана, 2018.
16. Munirov Q., Irisov A., Nosirov A. Toshkent tarixida ba’zi siymolar. -T.: Fan, 1983. B. 16-17.
17. Mu’jam al-buldon. 1-jild. -B.401.
18. Mukhamedov N., Turambetov N. Memorial complex of the Sultan Uwais Baba – one of cult historical centers in Central Asia // ACADEMICIA : An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) Vol. 10 Issue 6, June 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13 http://www.saarj.com
19. Mukhamedov Nematullo (2020) Activities of hadith scholars (muhaddis) of Shash oasis in scientific centers of the region. The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 11. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/11.
20. Muhamedov N. (2015) Keffal Şaşî’nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071
21. Мухамедов Н.А. (2014) Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosphera.com/ files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
22. Мухамедов Н. А. (2019). The role of the memorial complex of Sheikh Hovand Tahur in islamic culture of the region. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. Available at: https://uzjournals. edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1026&context=iiau
23. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Каффал Шаши – мухаддис из Ташкента. Peoples of eurasia. history, culture and interaction problems, 130. http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
24. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20
25. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). The role of Khodja Akhrar in social-spiritual Life of Central Asia // American Journal of Research_https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/06/2020_5_6 AJR_10.pdf
26. Mo’minov A. Hanafiy ulamolarining Markaziy Movarounnahr shaharlari hayotida tutgan o’rni va roli. Tarix fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. -T., Toshkent islom universiteti, 2003. -B.66.
27. Nosirov A. Toshkand olimlari va shoirlariga oid materiallar. ЎzR FAShI Qo’lyozmalar fondi. Inv. № 13409. V jild. 682-sahifa.
28. Rizouddin Faxriddin. Imom G’azzoliy. O’zR FA Sharqshunoslik instituti Qo’lyozmalar fondi. Inv. № 9122. 16-sahifa.
29. Saidov A. Usulul fiqh – islom qonunshunosligiga bir nazar // Usulul fiqh. -T.: Adolat, 1997. -B.209.
30. Sovet Sharqi musulmonlari . Toshkent, 1971 y. № 3, -B. 9.
31. Сюкияйнен Л. Мусульманское право. М.: 1986. -С.68.
32. Tojuddin Abu Nasr Abdulvahhob as-Subkiy. Tabaqot ash-shofi’iya al-kubro. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1999. 3-jild. -B.341.
33. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) “Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries,” The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 12. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/12
34. Khatamov Tokhir Abdumutalovich. Public education in uzbekistan history of formation and development International Journal of Social Science And Human Research ISSN(print): 2644-0679, ISSN(online): 2644-0695 Volume 03 Issue 07 July 2020 Page: 72-75. http://ijsshr.in/v3i7/2.php
35. 6 .حاجي خليفة. كشف الظنون. المجلد الأول. ص
36. Husniddinov Z. Shofiiy mazhabi // lslom: yunalishlar, mazhablar, oqimlar. -T.: Movoraunnahr, 2000. -B.16-17.
37. Xayruddin Zirikli. al-A’lom. 6-jild. -B.210. 1-jild. -B.327.

38. Hofiz Muhammad Barakatulloh. Usul ash-Shoshiy. -Karachi: Orombog kutubxonasi. -B.5.
39. Fiqh. http://www.islom.uz
40. Fuzailova, Gavhar (2020) “Eastern thinkers on the pedagogical mastery,” The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 19. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/19
41. Shamsuddin Zahabiy. Siyar a’lom an-nubalo. -Bayrut. Muassasat ar-risola, 1993. 16 jild. -B.283.
42. Sultonov, Asliddin (2019) “The new philosophical paradigm of cultural development,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 25. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/25
43. Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019). Spiritual-moral environment and its basic indicators. The Light of Islam, 2019(4), 24.
44. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. The Light of Islam, 2020(1), 110-115.
45. حاجي خليفة. كشف الظنون. المجلد الأول. ص. 611
46. Yaminov A. Qaffol ash-Shoshiy o’rta asr arab manbalarida // O’zR FAShI. Sharqshunoslik. 2004. № 12. B. 77-78;
47. معجم البلدان. المجلد الأول. ص 7.

REFERENCES

1. Abu Sa'd Abdulkarim ibn Muhammad as¬-Sam'oniy. al-¬Ansob. -¬Bayrut, 1988. 7-jild. -B. 244.
2. Alidjanova, L. A. (2019). The value of the scientific approach in the study of religions and science. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 508-512. Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-80-96 Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.12.80.96
3. Alidjanova, Lazizakhon Abbasovna (2020) "QUESTIONS OF RELIGION AND SOCIETY IN THE WORKS OF IBN KHALDUN," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 5.
4. Bartold V.V. Turkestan v epoxu mongolskogo nashestviya // Soch. v.9 T.1.-M.,1963.
5. Bahodirov R., Rasulov D. Islom ilmlarining buyuk allomalari. -¬T.: Abdulla hodiriy nomidagi xalh merosi nashriyoti, 2000. -¬B.10.
6. Dono, K. (2020). FEATURES OF INFORMATION EXCHANGE ASPECTS IN THE INFORMATION SOCIETY. Ижтимоий фанлар, 2(3).
7. Ibn Xallikon. Vafoyot al-¬a'yon. -B.459.
8. Ziynatullayev, Ziyodilla (2020) "The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 21. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/21
9. Juzjoniy A. Sh. Islom huquqshunosligi va Hanafiy mazhabi taraqqiyotida O”rta Osiyo faqihlarining o”rni. Yuridik fanlar nomzodi... diss. avtoreferati. ¬-T.: 2005. ¬-B.11.
10. Kalandarova, D. (2020). FEATURES OF ASPECTS OF INFORMATION EXCHANGE. The Light of Islam, 2020(1), 210-214.
11. Kakhharova, M. (2018). Question of Studying Personal Spiritual and Moral Development. Eastern European Scientific Journal, (6).
12. Matibaeva, Raziya (2019) "Sacralization and traditionalization of personality Abu Khanifa in Mavarannahr," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 3. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/3
13. MATIBAYEVA, Raziya (2019) "The development of khanaphism in Mavarannakhr,"The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 16. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss3/16
14. Matibaeva, R. B. Redkaya rukopis po xanafizmu «Manakib Abi Xanifa» / R. B. Matibaeva. - Tekst : neposredstvenno`y // Molodoy ucheno`y. - 2019. - № 36 (274). - S. 71-74. - URL: https:G`G`moluch.ruG`archiveG`274G`62293G` (data obraheniya: 29.08.2020).
15. Muminov A. Xanafitskiy mazxab v istorii Sentralnoy Azii. Monografiya / Pod red. S. Prozorova. -Almati: Qazaq entsiklopediyasi`, 2015. -400 s; Nauchnoe nasledie xanafitskix uchyonix Sentralnoy Azii i Kazaxstana. Tom 4. -Astana, 2018.
16. Munirov Q., Irisov A., Nosirov A. Toshkent tarixida ba'zi siymolar. -T.: Fan, 1983. ¬B. 16-17.
17. Mu'jam al-¬buldon. 1-¬jild. -¬B.401.
18. Mukhamedov N., Turambetov N. Memorial complex of the Sultan Uwais Baba – one of cult historical centers in Central Asia // ACADEMICIA : An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) Vol. 10 Issue 6, June 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13 http://www.saarj.com
19. Mukhamedov Nematullo (2020) "Activities of hadith scholars (muhaddis) of shash oasis in scientific centers of the region". The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 11. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/11.
20. Mukhamedov N. (2015) Keffal Şaşî’nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071
21. Mukhamedov N (2014) Idei tolerantnosti i gumanizma v deyatelnosti uchyonix sufiev oazisa Tashkent. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosphera.com/ files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
22. Mukhamedov N (2019). The role of the memorial complex of Sheikh Hovand Tahur in islamic culture of the region. -The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1, Article 3. Available at: https://uzjournals. edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1026&context=iiau

23. Mukhamedov N (2014). Xazrat Imam Abu Bakr Kaffal Shashi – muxaddis iz Tashkenta. Peoples of eurasia. history, culture and interaction problems, 130. http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
24. Mukhamedov Nematullo (2020). Medieval Scientists Of The Oasis Shash And Their Contribution To Islamic Civilization // The American Journal of Social Science and Education. Innovations (ISSN – 2689-100x). Published: August 14, 2020 | Pages: 137-143. Doi: https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-20
25. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). The role of Khodja Akhrar in social-spiritual Life of Central Asia // American Journal of Research_https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/06/2020_5_6 AJR_10.pdf
26. Mo'minov A. Hanafiy ulamolarining Markaziy Movarounnahr shaharlari hayotida tutgan o'rni va roli. Tarix fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. -T., Toshkent islom universiteti, 2003. -B.66.
27. Nosirov A. Toshkand olimlari va shoirlariga oid materiallar. ЎzR FAShI Qo'lyozmalar fondi. Inv. № 13409. V jild. 682¬-sahifa.
28. Rizouddin Faxriddin. Imom G'azzoliy. O'zR FA Sharqshunoslik instituti Qo'lyozmalar fondi. Inv. № 9122. 16¬-sahifa.
29. Saidov A. Usulul fiqh – islom qonunshunosligiga bir nazar // Usulul fiqh. ¬-T.: Adolat, 1997. ¬-B.209.
30. Sovet Sharqi musulmonlari . Toshkent, 1971 y. № 3, -B. 9.
31. Syukiyaynen L. Musulmanskoe pravo M.: 1986. -S.68.
32. Tojuddin Abu Nasr Abdulvahhob as-¬Subkiy. Tabaqot ash-¬shofi'iya al--kubro. ¬ Bayrut: Dor al¬-kutub al-¬ilmiya, 1999. 3-¬jild. -¬B.341.
33. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) "Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 12. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/12
34. Khatamov Tokhir Abdumutalovich. Public education in uzbekistan history of formation and development International Journal of Social Science And Human Research ISSN(print): 2644-0679, ISSN(online): 2644-0695 Volume 03 Issue 07 July 2020 Page: 72-75. http://ijsshr.in/v3i7/2.php
35. Hoji Xalifa. Kashf az-¬zunun. 1-¬jild. -¬B. 6.
36. Husniddinov Z. Shofiiy mazhabi // lslom: yunalishlar, mazhablar, oqimlar. -T.: Movoraunnahr, 2000. -¬B.16-17.
37. Xayruddin Zirikli. al¬-A'lom. 6-¬jild. -¬B.210. 1-¬jild. ¬-B.327.
38. Hofiz Muhammad Barakatulloh. Usul ash-Shoshiy. -Karachi: Orombog kutubxonasi. -B.5.
39. Fiqh. http://www.islom.uz
40. Fuzailova, Gavhar (2020) "Eastern thinkers on the pedagogical mastery," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 19. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/19
41. Shamsuddin Zahabiy. Siyar a'lom an¬-nubalo. -¬Bayrut. Muassasat ar¬¬-risola, 1993. 16 ¬jild. -¬B.283.
42. Sultonov, Asliddin (2019) "The new philosophical paradigm of cultural development," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 25. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss4/25
43. Qaxxarova, M., & Tuychieva, H. (2019). Spiritual-moral environment and its basic indicators. The Light of Islam, 2019(4), 24.
44. Qaxxarova, M., & Absattorov, B. M. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. The Light of Islam, 2020(1), 110-115.
45. Xoja Xalifa. Kashf az-¬zunun. -Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1992. 1¬ jild. -¬B.611.
46. Yaminov A. Qaffol ash-¬Shoshiy o'rta asr arab manbalarida // O'zR FAShI. Sharqshunoslik. ¬2004. ¬№ 12. -¬B. 77-78.
47. Mu'jam al-¬buldon. -Qohira, 1906. 1¬ jild. -B. 7.